**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

# Т А Р И Х

(160 соат)

**фанидан**

**академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув дастури**

**Тошкент-2010**

## Тушунтириш хати

Кейинги йилларда умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитишда катта ўзгаришлар бўлмоқда. “Ўзбекистон тарихи” ва “Жаҳон тарихи” алоҳида фан сифатида ўқитилиб, дарс соатлари деярли тенглаштирилиши ва ёнма-ён, муқобил тарзда ўрганилмоқда.Ўқув режалари бўйича ҳозирги даврда тарих фани учун академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари учун 160 соат ажратилган,яьни “Ўзбекистон тарихи”-80 соат,”Жаҳон тарихи” 80 соат.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари таълими тизимининг 1, 2 -курсларида тарих курси қуйидаги кетма-кетликда ўқитилади:

***I-курс:*** **Ўзбекистон тарихи(1917-1991):** Туркистонда шўролар истибдодининг ўрнатилиши, Туркистон мухторияти, миллий озодлик ҳаракатлари, совет ҳокимиятининг 1920-30-йилларда Ўзбекистонда юритган сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий сиёсатини қиёсий таҳлил қила олиш ва унинг мустамлакачилик моҳияти, Ўзбекистоннинг иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги учун кураш, мустақиллик Декларацияси ва унинг моҳияти.

**Жаҳон тарихи (1917-1945 йй):** Биринчи жаҳон уруши унинг моҳияти, 1917-1939-йиллардаги Ғарб ва Шарқнинг асосий давлатлари тараққиёти, Жаҳон иқтисодий инқирози, иккинчи жаҳон урушининг бошланиш сабаблари ва унинг оқибатлари.

***II-курс:*** **Ўзбекистон тарихи (1991-2010 й):** Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодиёт, сиёсат, мафкурага оид асарларида илгари сурилган ғоялар, бозор иқтисодиётининг умумий қонуниятларини, бозор иқтисодиёти шароитида мустақил Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг умумий хусусиятлари, дунё халқлари олдида турган жаҳоншумул муаммолар, уларни бартараф этиш вазифалари, ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг маданий-маънавий тараққиёти, Ўзбекистонда демократик давлат қуриш, демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш.

**Жаҳон тарихи: (1945-2010-йй)**- ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиш қонуниятлари ва турли мафкуралар кураши, Ғарб ва Шарқдаги озодлик ҳаракатлари, 1945-1991-йиллардаги дунё тарихи, “совуқ уруш”нинг моҳияти, мустабид, тоталитар тузум ҳалокати, 1991-2010-йилларда янги демократик давр.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг 2010-йил 1-июлдаги 6/1 ва 4/2-сонли қўшма Ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланган ва академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун тарих фанидан узвийлашган ўқув дастури сифатида узлуксиз таълим тизимига жорий этиш учун тавсия этилган.

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ”**
фанидан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**
(80 соат)

**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| Ў. Усмонов | – тарих фанлари доктори, профессор |
| Ш.Каримов | – тарих фанлари номзоди, профессор |
| И. Турсунов | – тарих фанлари доктори, профессор |
| А Қозоқбоев. | –Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейи ўқитувчиси, фанлари номзоди, доцент |

**Дастурни оптималлаштиришда иштирок этган ишчи гуруҳи аъзолари:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | М. Лафасов | Низомий номидаги ТДПУ “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” кафедраси мудири, т.ф.н. |
| 2. | Б. Ирзаев | Тошкент давлат Юридик институти қошидаги академик лицей тарих фани ўқитувчиси |
| 3. | М. Маманиёзова | Қибрай туманидаги Байтқўрғон Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи тарих фани ўқитувчиси |
| 4. | А. Замонов | Республика таълим маркази тарих фани методисти |
| 5. | М. Холбоева | Республика таълим маркази тарих фани методисти |
| 6. | М. Тураева | Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 9-мактаб тарих фани ўқитувчиси |
| 7. | Т. Норқобилов | Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети ўқитувчиси |
| 8. | М. Омонов | ЎзМУ қошидаги А.Сирожиддинов номли Академик лицей “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири |
| 9. | Р. Раҳматуллаева | Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 241-умумтаълим мактабининг олий тоифали ўқитувчиси |

**Т А Қ Р И З Ч И Л А Р :**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | М. Бобожонова | Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи тарих фани ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди |
| 2. | А.Хидиров | Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси |
| 3. | Т.Тошпўлатов | ЎДЖТУ қошидаги 1-сонли академик лицейи тарих ўқитувчиси, п.ф.н. |

**Нашрга тайёрлади:**

Н. Чиниқулов – Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

## С ў з  б о ш и

Ўзбекистонда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилмоқда. Мазкур ўқув масканлари олдида ҳар томонлама камол топган, фаол турмушга тайёр, ўрта-махсус билимлар ва касб-ҳунарларни эгаллаган, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишдан иборат улкан вазифа турибди. Бу вазифани муваффақиятли адо этишда Ўзбекистон тарихининг ўрни ва аҳамияти ғоят даражада беқиёсдир. Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди». Ҳозирги босқичда халқ таълимининг барча йўналишлари ва босқичлари олдига қўйилган бош ва асосий вазифа «Ўзбекистон тарихи» ўқув фани воситаси орқали ёш йигит-қизларимизни ўтмишда яшаб ўтган улуғ ва буюк аждодларимизга муносиб ворислар қилиб тарбиялаш ва уларни тўла маънода комил инсонлар қилиб етиштиришдир. Бу улуғвор ниятларнинг бош мақсади ёшларимиз онги ва шуурида миллий истиқлол тафаккури ва маънавий қадриятларни сайқал топтиришдан иборат.

Мазкур ўқув дастури академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқув режалари асосида тузилди. Ўзбекистон тарихи биринчи ва иккинчи босқичларда ўқитилади. Биринчи босқич учун 40 соат ва иккинчи босқич учун 40 соат ажратилган. Биринчи босқичда Ўзбекистон тарихининг мустабид совет тузуми даври (1917-1991 йиллар) ўқитилади. Иккинчи босқичда Ватанимиз тарихининг миллий мустақил тараққиёт даври ўқитилади.

Ҳар бир ўқув йили сўнгида ўлкашунослик дарслари учун бир соатдан вақт ажратилди. Ўқитувчи ўрганилаётган мавзуга боғлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар тарихи ҳақида ўқувчи ёшларга маълумотлар беради, ўқувчиларнинг музейларга ташрифини уюштиради. Бу албатта суверен Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг тарихчилари олдига ўзлари яшаб турган ўлканинг тарихи дастурини ишлаб чиқиш ва шу асосда ўлкашунослик тарихини ўрганишдек олийжаноб вазифани қўяди.

Мазкур ўқув дастури тўғрисидаги фикр, мулоҳаза ва таклифлар миннатдорчилик билан қабул қилинади.

## Ўқув режасида «Ўзбекистон тарихи»фанига ажратилган соат микдори ва дарс турлари бўйича тақсимоти

| № | Фан бўлимлари ва мавзу | Умумий юклама,соат | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Дарслар тури бўйича соатлар тақсимоти | | | | | | | |
| | | ҳаммаси | жами | назарий (маъруза) | амалий | Лабор иши | семинар | курс иши | Муст иш |
| | **I. Ўзбекистон 1917-1991-йилларда** | | **40** | **36** | **4** | | | | |
| **1.** | Кириш. Туркистонда 1917 -йилги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар | | | 2 | | | | | |
| **2.** | Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши Туркистон мухторияти | | | 2 | | | | | |
| **3.** | Туркистонда советлар бошқаруви тизимининг мустаҳкамланиши. ТАССРнинг ташкил топиши | | | 2 | | | | | |
| **4.** | Туркистонда совет ҳокимиятига қарши харакатлар | | | 2 | | | | | |
| **5.** | Бухоро ва Хоразм халқ совет республикаларининг тузилиши | | | 2 | | | | | |
| **6.** | Миллий сиёсат ва давлат қурилиши масалалари | | | 2 | | | | | |
| **7.** | Янги иқтисодий-сиёсат ер-сув ислоҳоти | | | 2 | | | | | |
| **8.** | Республика қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ва унинг оқибатлари | | | 2 | | | | | |
| **9.** | Ўзбекистонда маданий-маърифий ҳаёт | | | 2 | | | | | |
| **10.** | Қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари (Шаҳидлар хотираси ва қатағон қурбонлари музейда, ҳамда вилоятлардаги хотира майдонлари ва тарихий ёдгорликлар мажмуаларида ўтказилади) | | | | 2 | | | | |
| **11.** | Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши.Маънавий ва моддий кучларнинг фронтга сафарбар этилиши | | | 2 | | | | | |
| **12.** | Ўзбекистон саноати ва қишлок хўжалиги фронт хизматида | | | 2 | | | | | |
| **13.** | Уруш йилларда фан, маориф ва маданият | | | 2 | | | | | |
| **14.** | Ўзбекистонлик жангчиларнинг фашизмни тор-мор этишдаги жасоратлари(хотира майдонларида кўчма амалий дарс) | | | | 2 | | | | |
| **15.** | Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг аҳволи. Маъмуриятчиликнинг кучайиши. | | | 2 | | | | | |
| **16.** | Ўзбекистонннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти. Ўзбекистон саноатининг бир томонлама ривожланиши | | | 2 | | | | | |
| **17.** | 1950-1990-йиллирда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.Пахта якка ҳокимлиги | | | 2 | | | | | |
| **18.** | Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида инқирозли ҳолатнинг вужудга келиши | | | 2 | | | | | |
| **19.** | Маданий ва маънавий ҳаёт | | | 2 | | | | | |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **20.** | «Қайта қуриш»сиёсати ва унинг барбод бўлиши. Ўзбекистоннинг мустақиллик учун ҳаракатлари | | | 2 | | | | | |
| **II.Ўзбекистон 1991-2010-йилларда (40с.)** | | | **40** | **38** | **2** | | | | |
| **21.** | Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли (Ўзбекистон давлат тарихи, ўлка, вилоят музейларида кўчма ўқув машғулоти) | | | | 2 | | | | |
| **22.** | Ўзбекистон парламенти-Олий Мажлиснинг ташкил этилиши | | | 2 | | | | | |
| **23.** | Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг қонунчилик фаолияти | | | 2 | | | | | |
| **24.** | Кириш. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши. | | | 2 | | | | | |
| **25.** | Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва давлат рамзларининг қабул қилиниши. | | | 2 | | | | | |
| **26.** | Ўзбекистоннинг маъмурий- ҳудудий тузилиши. Аҳолисининг миллий таркиби. | | | 2 | · | | | | |
| **27.** | Милий давлат бошқарув ҳокимияти тизимнинг барпо этилиши | | | 2 | | | | | |
| **28.** | Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ташкил этилиши | | | 2 | | | | | |
| **29.** | Сиёсий партиялар жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборатлар воситаларининг демократиянинг ривожланишидаги роли | | | 2 | | | | | |
| **30.** | Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари | | | 2 | | | | | |
| **31.** | Давлат мулкини хусусийлаштириш. Кўп укладли иқтисодиёт | | | 2 | | | | | |
| **32.** | Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлашуви ва тараққиёти | | | 2 | | | | | |
| **33.** | Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамланиши | | | 2 | | | | | |
| **34.** | Миллий хафсизликни ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамланиши | | | 2 | | | | | |
| **35.** | Маънавий мерос, миллий ва диний қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши | | | 2 | | | | | |
| **36.** | Таълим-маданият равнақи. Жисмоний тарбия ва спорт | | | 2 | | | | | |
| **37.** | Ўзбекистон Республикасининг тинчликсевар сиёсати | | | 2 | | | | | |
| **38.** | Ўзбекистоннинг мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги | | | 2 | | | | | |
| **39.** | Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалари | | | 2 | | | | | |
| **40.** | Умумий такрорлаш | | | 2 | | | | | |
| **Жами** | | | **80** | **74** | **6** | | | | |

**1 курс**
**Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)**

## 1- мавзу: Кириш (2 соат).

Ўзбекистон Республикаси Миллий Мустақил тараққиёти шароитида академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари олдида турган буюк ва улкан вазифаларни ҳал этишда Ўзбекистон тарихи ўқув фанининг аҳамияти. Академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган Ўзбекистон тарихининг ўзига хос алоҳида хусусиятлари, унинг даврлари, манбалари ва назарий-илмий методологик асослари.

## I боб.
## Туркистонда советлар истибдодининг ўрнатилиши. Совет ҳокимиятига қарши ҳаракати (10 соат).

### 2-мавзу: Туркистонда 1917 йилги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар. (2 соат)

Мустақиллик - Туркистон халқларининг асрий орзуси. Февраль инқилоби таъсирида ўлкада амалга оширилган туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар. Туркистонда Россия Муваққат ҳукумати Туркистон қўмитасининг ҳамда ишчи ва аскар депутатлари советининг ташкил топиши.

### 3-мавзу: Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Халқ ҳокимиятчилиги учун кураш. Туркистон Мухторияти (2 соат)

Жадидчилик ҳаракатининг кучайиши. “Шўрои ислом”, “Шўрои уламо” ташкилотларининг тузилиши ва уларнинг фаолияти. Умумтуркистон мусулмонлари қурултойлари. Туркистон ўлка мусулмонлар Шўросининг вужудга келиши, унинг жойларда тузилган бўлимлари фаолияти. Жадид матбуот органлари. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши, уларнинг фаолияти. Туркистон истиқлоли ғоясининг майдонга келиши. Ўлкада “Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи”нинг, эсерлар, большевистик ва меньшевистик гуруҳларнинг фаолияти. Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Халқ ҳокимиятчилиги учун кураш. Туркистон мухторияти.

### 4-мавзу: Туркистонда советлар бошқаруви тизимининг мустаҳкамланиши (2 соат)

Петроградда 1917-йил октябрда юз берган давлат тўнтарилиши ва большевиклар бошлиқ Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Унинг Туркистон ҳаётига таъсири.

Туркистонда Совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши. Маҳаллий туб ерли аҳолининг октябрь ғояларининг қўллаб-қувватланмаганлиги. Советларнинг III ўлка қурултойи, унда тузилган ҳукумат – Туркистон халқ Комиссарлари Совети, унинг таркиби ва қабул қилинган қарорларида буюк давлатчилик шовинизми, маҳаллий аҳолини камситиш руҳининг ифодаланиши.

Туркистон халқлари орасида Совет ҳокимиятига қарши кайфиятнинг ўсиб бориши. Пролетариат диктатураси ғоясининг маҳаллий аҳолига ёт, унинг тарихий, миллий анъаналарига зид эканлиги.

Ўлка мусулмонларининг Қўқонда бўлиб ўтган фавқулодда IV қурултойи. Туркистон мухториятиниинг тузилиши. Унинг илк қадамлари. М.Чўқай, М.Беҳбудий, М.Тинишпаев. Халқ томонидан Қўқон мухторияти ҳокимиятининг қўллаб-кувватланиши. Тошкентдаги намойишлар, унинг Совет ҳокимияти томонидан ўққа тутилиши.

Большевиклар бошлиқ Совет ҳокимиятининг маҳаллий халқ иродасига қарши чиқиши ва мухториятчиларга қарши очиқ ҳужумга ўтиши. Қўқон фожиаси. Мухториятнинг ҳалокати, унинг сабаблари. Туркистонда советлар бошқаруви тизимининг бостирилиши оқибатлари. Совет ҳокимиятининг сиёсий бўҳтондан чиқиш сари ҳаракати. Советларнинг IV ва V ўлка қурултойлари. Унинг миллий масала, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, ер ҳақидаги декретни амалга оширишдаги шовинистик йўли ва амалиёти. Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси (ТАССР) нинг тузилиши. Туркистон компартиясининг ташкил этилиши. Ўлкада большевиклар ҳокимиятининг кучайиши. Маданий ҳаёт.

**5-мавзу: Туркистонда совет ҳокимиятига қарши ҳаракатлар (2 соат)**

Туркистонда совет ҳокимиятига қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг бошланиши. Халқ лашкарларининг тузилиши ва Советлар ўрнатган истибдодга қарши кураш. Эргаш, Мадаминбек ва бошқа қўрбошилар «Босмачилик» деб ном олган қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, босқичлари.

Хоразм Халқ Совет Республикасининг ташкил этилиши. Хоразмда советларга қарши ҳаракат.

**6-мавзу: Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг тузилиши. Советлар истибдодига қарши озодлик ҳаракатлари (2 соат).**

Бухоро амирлигидаги аҳвол. Ф.Колесовнинг Бухорога уюштирган ҳарбий юриши. Бухоро Халқ Совет Республикасининг тузилиши. Советлар истибдодига қарши озодлик ҳаракати.

**II боб. 1920-30 йилларда Ўзбекистон 10 (соат).**

**1-мавзу: Миллий сиёсат ва давлат қурилиши масалалари (2 соат).**

Қорақалпоғистон халқларининг ижтимоий – сиёсий аҳволи. Қорақалпоғистон АССРнинг ташкил этилиши, унинг Ўзбекистон ССР таркибига киритилиши.

Совет ҳокимиятнинг Туркистонда юритган миллий сиёсати. Ўлка халқларининг ўз миллий давлатчилигини ўзи белгилашга интилиши, бу уринишнинг Совет ҳокимияти томонидан барбод этилиши. Совет ҳокимиятининг Туркистонни тўла ўз назоратига олишга қаратилган сиёсати, тадбирлари. СССРнинг ташкил этилиши. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий

чегараланишнинг ўтказилиши. Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши, унинг ҳудуди, аҳолиси. Ўзбекистон компартиясининг ташкил этилиши.

**2-мавзу: Иқтисодий сиёсат. Ер-сув ислоҳотлари. Саноатлаштириш сиёсати ва унинг мустамлакачилик моҳияти (2 соат).**

Совет ҳокимиятининг янги иқтисодий сиёсати унинг моҳияти ва Туркистон ўлкасида уни амалга ошириш масалалари. 1921-1922-йилларда Туркистонда ўтказилган ер-сув ислоҳоти.«Қўшчи» уюшмаларининг тузилиши.

Ўзбекистонда амалга оширилган саноатлаштириш сиёсатининг миллий манфаатларга зидлиги. Янги корхоналар қуриш, кадрлар сиёсатидаги адолатсизликлар. Марказдан русийзабон аҳолининг кўчириб келтирилиши, ундан кўзланган мақсад ва аянчли оқибатлари.

**3-мавзу: Республика қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ва унинг оқибатлари (2 соат).**

Ўзбекистонда Совет ҳокимияти юритган аграр сиёсатнинг мустамлакачилик мохияти. 1925-1929-йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳотининг мақсадлари. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини амалга ошириш сиёсати ва амалиёти. Қишлоқ хўжалигини зўравонлик йўли билан жамоалаштириш, ўзига тўқ деҳқонларни “қулоқлаштириш”, сургун қилиш, синф сифатида тугатиш сиёсати ва амалиёти, унинг оғир оқибатлари.

**4-мавзу: Ўзбекистонда совет ҳокимияти юритган маданий-маърифий сиёсат: мазмун ва моҳияти (2 соат).**

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган “Шаклан миллий ва мазмунан социалистик” аталмиш маданий сиёсати, унинг улуғ давлатчилик ва шовинистик моҳияти. Халқ маорифи. Олий ва ўрта махсус таълим. “Ҳужум” ҳаракатининг уюштирилиши. Алифбонинг кетма-кет икки марта ўзгартирилиши. Унинг аввалдан махсус режалаштирилган маънавий-маърифий тадбирларидан бири эканлиги, оқибатлари. Адабиёт ва санъат. Халқ саломатлиги муаммолари. Илм-фанни ривожлантириш масалалари.

**5-мавзу: Қатағонлик сиёсати: унинг моҳияти ва оқибатлари (2 соат).**

Давлат, партия арбобларининг қатл этилиши. Ўзбек зиёлиларининг қувғин қилиниши. Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носирларнинг аянчли тақдири. Туркистон халқларининг Большевиклар мустамлакачилигига қарши олиб борган кураши қатнашчиларининг жазоланиши. «Қулоқлаштириш». Украина ҳамда Сибирга сургун қилиниши. «18 лар гуруҳи», «Иноғомовчилик», «Қосимовчилик» ишларининг ўйлаб топилиши ва қатағон. Германияга ўқишга юборилганлар иши. Мутелик мафкурасининг сингдирилиши. «Диний ташкилот ва руҳонийларнинг таъқиб этилиши. Қонун ва инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши. (Шаҳидлар хиёбони ва

музейида ҳамда вилоятлардаги хотира майдонлари ва тарихий ёдгорликлар мажмуаларида кўчма амалий дарс).

## III боб. Ўзбекистон: Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939-1945) 8 (соат)

### 1 мавзу: Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши. Маънавий ва моддий кучларнинг фронтга сафарбар этилиши (2 соат).

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши. Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши.

Ўзбекистон моддий ва маънавий кучларининг урушга сафарбар этилиши. Умумий ҳарбий сафарбарлик.

Республикада хўжалик ва ижтимоий ҳаётнинг ҳарбий изга солиниши. Меҳнат сафарбарлиги. Фронтга умумхалқ ёрдами.

Ҳарбий вилоятлардан корхоналар, ўқув юртлари, юз минглаб одамларнинг Ўзбекистонга кўчириб келтирилиши ва жойлаштирилиши. Ўзбек халқининг бағри кенглиги ва улуғ инсоний фазилатлари. Етим болаларни фарзандликка олиш ҳаракати. Ярадор ва бемор жангчиларни қабул қилиш ва соғломлаштириш тадбирлари.

### 2-мавзу: Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги фронт хизматида (2 соат).

Уруш йилларида Ўзбекистон саноати. Фарҳод ГЭСи, Бекобод металлургия заводи ва бошқаларнинг қурилиши. Ўзбекистоннинг қурол-яроғ аслаҳахонасига айлантирилиши. Транспорт. Алоқа воситалари.

Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ аҳли бошига тушган оғир синовлар. Ўзбекистоннинг ғалабани таъминлашда стратегик аҳамиятга молик маҳсулотлар етиштириб беришдаги муҳим ўрни. Аҳоли турмуши.

### 3-мавзу:Уруш йилларида фан, маориф ва маданият. Ўзбекистоннинг қардош халқларга ёрдами (2 соат).

Уруш йилларида республикада фан, маориф ва маданият. Адабиёт ва санъат фронт хизматида. Ўзбекистонлик жангчиларининг фашизмга қарши курашда кўрсатган жасоратлари С.Раҳимов, Қ.Турдиев, Бобоев, Зебо Ғаниева ва бошқаларнинг қаҳрамонликлари. Ўзбекистонлик партизанлар. М.Топиболдиев ва бошқаларнинг жасоратлари. Ўзбекистонликлар-Европа халоскорлари. (Хотира майдонларида ҳамда вилоятлардаги хотира майдонлари ва тарихий ёдгорликлар мажмуаларида кўчма амалий дарс)

### 4-мавзу: Ўзбекистонлик жангчиларнинг фашизмни тор-мор этишдаги жасоратлари (2 соат).

Фашистлар Германиясининг тор-мор этилиши. Япония милитаристларини тор-мор келтиришда Ўзбекистонлик жангчиларнинг кўрсатган жасоратлари. Ўзбекистонда “Хотира ва қадрлаш куни”. Фашизмга

қарши курашда қурбон бўлган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш борасидаги тадбирлар.

## IV боб. 1946-1990 йилларда Ўзбекистоннинг Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти 12 (соат).

### 1-мавзу: Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг тикланиши. Маъмуриятчиликнинг кучайиши (2 соат).

Урушнинг Ўзбекистон халқ хўжалиги ва маънавий ҳаётига келтирган аянчли оқибатлари. Республика меҳнаткашларининг халқ хўжалигини тиклаш учун мардонавор кураши. Урушдан кейинги йилларда маъмуриятчиликнинг кучайиши. Ўзбекистон миллий ҳуқуқларининг янада чекланиши. Руслаштириш сиёсатининг тобора кучая бориши. Маънавий-маданий ҳаётда буйруқбозликнинг кучайиши. Ўзбекистон зиёлиларини қатағон қилишнинг янги босқичи.

### 2-мавзу: 1950-1990 йилларда Ўзбекистон саноати бир томонлама ривожланиши (2 соат).

Ўзбекистоннинг 50-80-йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти. Энергетика, ёқилғи, металлургия, машинасозлик, қурилиши, енгил ва озиқ-овқат саноати. Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришдаги адолатсизлик масалалари. Газ, олтин қазиб олишга эътиборнинг кучайиш сабаблари. Республика саноатининг марказга мутлақ қарамлиги. Ўзбекистонга русий-забон аҳолининг тобора кўплаб кўчириб келтирилиши. Транспорт ва алоқа воситалари тармоқларининг кенгайиши.

### 3-мавзу: 1950-1990-йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги пахта монокултураси фожеаси (2 соат).

Республикада аграр хўжалик. Қишлоқ хўжалигининг бир томонлама пахта якка ҳокимлиги томон ривожлантириш ва ундан кўзланган бош мақсад. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, сув омборлари ва каналлар қурилиши, унинг оқибатлари. Экологик ҳалокат ва унинг оқибатлари. Орол фожиаси. Дон экинлари, мева-сабзавотчилик ва чорвачиликдаги аянчли аҳвол.

### 4-мавзу: Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида инқирозли ҳолатнинг вужудга келиши (2 соат).

Аҳолининг турмуши, иш билан бандлик масалалари. 1966-йилги Тошкент зилзиласи оқибатлари, шаҳарнинг тикланиши. Мамлакат халқ хўжалигининг турғунлик ҳолатига кириб бориши. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётда инқирозли ҳолатнинг вужудга келиши.

### 5-мавзу: Маданий ва маънавий ҳаёт. Бу соҳадаги мафкуравий тазйиқлар (2 соат).

Республика маънавий ва маданий ҳаёти. Халқ таълими, таълим-тарбия ва турмуш. Таълим ислоҳоти, унинг самара бермаганлиги. Республикада

миллатлараро муносабатларнинг янада кескинлашуви. Маънавий ҳаётда мафкуравий чеклашлар. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги ва унинг оқибатлари. Руслаштириш сиёсатининг янада кучайиши. Ўзбек тилининг тобора иккинчи тоифа тилга айлана бориши. Фан. Адабиёт ва санъат. Ижтимоий фанлар, адабиёт ва санъат асарларида, радио ва телевидения, кино ва театр фаолиятида реал ҳаётнинг сохталаштирилиши.

### 6-мавзу: "Қайта қуриш" сиёсати ва унинг барбод бўлиши. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиш томон йўл олиши (2 соат).

Ш.Рашидов - давлат ва жамоат арбоби. Унинг тоталитар тузум ҳукмрон бўлган муҳитдаги сиёсий ва ижтимоий фаолияти. «Қайта қуриш» сиёсати, унинг барбод бўлиши. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши»нинг тўқиб чиқарилиши ва унинг оқибатлари. Республикада миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни топташ, қатағонликнинг янги босқичи. Ижтимоий-сиёсий ва оммавий-демократик ҳаракатнинг кучайиши. Фарғона, Бўка, Паркент, Ўш, Андижон воқеалари.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўзгаришларнинг бошланиши. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши. Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик сари йўл тутиши.

Ўзбекистонда Президентлик лавозимининг жорий этилиши. Олий Кенгашда Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши. Мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти.

## 2-курс
## XX аср охири XXI аср бошларида Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон халқлари тарихида янги давр - миллий истиқлол даврининг бошланиши. Мустақил Ўзбекистоннинг миллий, ҳукуқий давлат қуриш, демократик фуқаролик жамиятни барпо этиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш томон йўл тутиши. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида жаҳонда тан олиниши, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши.

### I боб. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши (6 соат).

### 1-мавзу: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши (2 соат).

Мустақиллик Декларацияси. Ўзбекистоннинг Иттифоқ шартномасини янгилашга муносабати. 1991-йил август воқеалари. СССРнинг таназзулга юз тутиши. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991-йил 31-августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VI сессияси. Сессияда қабул қилинган баёнотда Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги

қонун. 1-сентябрни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни - умумхалқ байрами деб белгиланиши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши VIII сессиясининг «Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш тўғрисида»ги қарорлари.
1991-йил 29-декабрда бўлиб ўтган референдум ва унинг якунлари. Умумхалқ томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг маъқулланиши. 1991-йил 29-декабрда бўлиб ўтган Президент сайлови ва унинг якунлари. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти.Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли.

**2 -мавзу: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва давлат рамзларининг қабул қилиниши (2 соат).**

Ўзбекистон Республикаси янги конституциясининг қабул қилиш зарурияти. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашиниг 1992-йил 8-декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши. Унинг асосий тамойиллари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тарихий аҳамияти. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Миллий тараққиётнинг «Ўзбек модели».

Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзларининг қабул қилиниши, уларнинг мустақилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари - орденлар, медаллар, фахрий унвонларининг таъсис этилиши.

**3-мавзу: Ўзбекистоннинг маъмурий – ҳудудий тузилиши. Аҳолининг миллий таркиби (2 соат).**

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши. Қорақалпоғистон Республикаси. Вилоятлар. Аҳолиси. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг таъминланиши.

“Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли». (Хотира майдонларида ҳамда вилоятлардаги хотира бурчаклари ва тарихий ёдгорликлар мажмуаларида кўчма амалий дарс)

## II боб. Сиёсий ислоҳотлар. Миллий давлат ҳокимият органларининг барпо этилиши (6 соат).

**1-мавзу: Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли (2 соат).**

Сиёсий ислоҳотлар. Ўзбекистонда ўзига хос йўл билан эски давлат ҳокимияти тизимидан янги миллий ҳуқуқий давлат ҳокимиятига ўтилиши. Ҳокимият ва бошқарув органларида маъмурий буйруқбозликнинг барҳам топиши. Давлат ҳокимиятининг миллий, ҳуқуқий, демократик асосларининг барпо этилиши. (Ўзбекистон тарихи музейида ва вилоятлардаги хотира майдонлари ва тарихий ёдгорликлар мажмуаларида кўчма амалий дарс).

**2-мавзу: Ўзбекистон парламенти - Олий Мажлиснинг ташкил этилиши (2 соат).**

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг шаклланиши.

Мустақиллик шароитида бир палатали Ўзбекистон Парламенти - Олий Мажлисига сайловлар. Илк марта кўппартиявийлик асосида шаклланиши. Олий Мажлиснинг тузилиши ва қонун чиқарувчилик фаолияти.

**3-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик фаолияти (2 соат).**

Вазирлар Маҳкамаси, унинг ижро этувчи ҳокимиятнинг муҳим бўғини сифатидаги ўрни. Давлат мустақиллигини таьминловчи Мудофаа ва Ташқи ишлар вазирликлари, Миллий Хавфсизлик Хизмати, Давлат божхона ва солиқ қўмиталари ҳамда бошқа ҳукумат органларининг ташкил этилиши. Ишлаб чиқариш қурилиш ва транспорт билан боғлиқ вазирликлар ўрнига ўзини ўзи маблағ билан таъминлайдиган концернлар, коорпорациялар,ҳиссадорлик жамиятлари ва уюшмаларнинг ташкил этилиши.

Маҳаллий давлат хокимияти органлари - вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг ташкил топиши. Уларнинг вазифалари ва фаолияти.

Суд ҳокимиятиислоҳотлари. Ўзбекистонда суд ҳокимияти тизими - Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди ва хўжалик суди, вилоят, туман ва шаҳар судлари.

**III боб. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши (6 соат).**

**1-мавзу: Миллий давлат бошқарув ҳокимияти тизимининг барпо этилиши (2 соат).**

Ўзбекистоннинг демократик, фуқаролик жамият қуриш томон тутган йўли, унинг ўзига хос хусусиятлари. Республикада демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари, миллий қадриятлар ва анъаналар мужассамлашган эркин, очиқ жамият асосларини яратиш йўлидаги ислоҳотлар.

**2 мавзу: Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ташкил этилиши (2 соат).**

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг ташкил этилиши. Фуқаролар йиғини. Қишлоқ, овул, маҳалла оқсоқоллари кенгашларининг тузилиши, вазифалари, фаолияти.

Ўзбекистонда ягона фуқароликнинг ўрнатилиши.

Республика инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатловчи ҳуқуқий механизмнинг яратилиши.

### 3 мавзу: Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши (2 соат).

Ўзбекистонда демократик жамиятга хос сайлов тизимининг барпо этилиши.

Сиёсий партиялар. Ижтимоий ҳаракатлар, жамоат ташкилотларини шакллантиришнинг конституциявий ҳуқуқий асосларининг яратилиши. Жамиятда кўппартиявийликнинг қарор топиши. Жамоат бирлашмалари, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни.

Оммавий ахборот воситалари. Ахборот тизимининг янгиланиши. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни ва аҳамияти.

## IV боб. Иқтисодий ислоҳотлар. Бозор муносабатларининг шаклланиши. Иқтисодий тараққиёт (6 соат).

### 1-мавзу: Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий (2 соат).

Бозор иқтисодиёти-ижтимоий тараққиётнинг бош омили. Бошқариладиган бозор муносабатлари амалиётининг жаҳон тажрибаси.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлининг ишлаб чиқилиши. Унинг беш тамойили: иқтисодиётнинг сиёсатдан устун туриши; давлат бош ислоҳотчи; қонун, қонунларга риоя этишнинг устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат юритиш; иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширилиши.

Иқтисодий ислоҳотларнинг, стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ва босқичлари.

Иқтисодий ислоҳотларни бошқариш тизимининг барпо этилиши. Бозор инфра тузилмасининг шаклланиши: молия, банк-кредит тизими; товар-хом ашё биржалари; савдо уйлари ва воситачи фирмалар; сармоя бозори; меҳнат ресурслари бозори; меҳнат биржалари

### 2-мавзу: Давлат мулкини хусусийлаштириш. Кўп укладли иқтисодиёт ва мулкдорлар синфининг шаклланиши (2 соат).

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлат мулки монополизмини тугатиш, янгича мулкий муносабатларни шакллантириш зарурияти ва йўллари.Ташкилий ўзгаришлар. Давлат мулкини хусусийлаштириш механизмининг яратилиши ва такомиллашиб бориши. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўп укладли иқтисодиётнинг шарти эканлиги. Акционерлик жамиятлари. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши. Кўп укладли иқтисодиётнинг барпо этилиши. Монополиячилик тизимининг барҳам топиб бориши. Рақобатчилик муҳитининг вужудга келиши.

Мулкдор синфининг шаклланиши. Тадбиркорлик. Давлат томонидан тадбиркорларнинг қўллаб қувватланиши, уларни рағбатлантирадиган механизмнинг яратилиши. Аграр ислоҳотлар.

### 3-мавзу: Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлашуви ва тараққиёти (2 соат).

Мустақиллик шароитида иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ўсишини таъминлаш сари йўл тутилиши. Иқтисодиётга сармоя ажратишнинг ўсиши. Таркибий ўзгаришларни инвестициялашнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши. Республика иқтисодиётига чет эл инвестицияларининг кириб келиши. Машинасозлик саноати. Ёқилғи мустақиллигининг таьминланиши. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бунёд этилиши.

Ўзбекистоннинг замонавий автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторига қўшилиши. «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма автомобиль заводининг бунёд этилиши. «Сам Кочавто». Енгил саноатнинг ривожланиши. Транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланиши.

Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни ва имкониятлари. Қишлоқда ширкат, деҳқон, фермер хўжаликларининг ривожланиши. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиб бориши. Ғалла мустақиллигининг таъминланиши.

Мустақиллик йилларида иқтисодий барқарорликнинг таьминланиши ва тараққиёт кўрсаткичларининг ўсиши.

## V боб. Мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таьминланиши (4 соат).

### 1-мавзу: Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва милатлараро тотувликнинг мустаҳкамланиши (2 соат).

Демократик ислоҳотларнинг пировард мақсади инсонга муносиб турмуш яратиш ва аҳоли ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат эканлиги.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистоннинг кучли ижтимоий сиёсати. Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида аҳолини олдиндан ижтимоий ҳимояланиши.

Нархларни эркинлаштириш жараёни ва аҳоли пул даромадларининг мунтазам ошиб бориши. Ички истеьмол бозорининг ҳимоя қилиниши. Аҳолининг кам таъминланган табақаларининг давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги тизимига ўтилиши.

Ўзбекистон - турли миллат вакиллари яшаётган мамлакат. Ўтиш даврида миллатлараро можароларга йўл қўймасликка қаратилган миллий сиёсат, унинг асосий қоидалари. Миллий тотувликни таьминловчи қонунчилик базасининг яратилиши. Миллий-маданий марказларнинг ташкил топиши ва уларнинг фаолияти. Миллатлараро тинчлик ва тотувликнинг таъминланиши.

### 2-мавзу Миллий хавфсизлик ва мамлакат мудофаа қобилиятининг мустаҳкамланиши (2 соат).

Умумий, минтақавий ва миллий хавфсизлик масалалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Ўзбекистонда миллий хавфсизлик тизимини яратишнинг долзарблиги. Миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари. Мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган ташқи ва ички омиллар: минтақавий можаролар; терроризм; диний экстремизм ва фундаментализм; Ўзбекистон Қуролли Кучлари – хавфсизлик таянчи. Юқори малакали зобит (офицер) кадрлар тайёрлаш тизимининг яратилиши. Қуролли кучлар жанговарлиги, қудратини кўтарилиши. Давлат чегараларининг мустаҳкамланиши.

## VI боб. Ўзбекистоннинг маънавий ва маданий тараққиёти (4 соат).

### 1-мавзу: Маънавий мерос, миллий ва диний қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши (2 соат).

Мустақиллик йилларида маьнавий ҳаёт. Маънавий қадриятларнинг тикланиши. Ўзбекистон халқининг буюк аждодларимиз яратган илм-фан, маънавият ва маърифат дурдоналаридан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши. Маънавий меросни тиклаш борасидаги тадбирлар. Буюк алломалар, маърифатпарварлар асарларининг нашр этилиши. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангубердининг таваллуд топган кунларини нишонлаш. Қадамжолар, қадимий ёдгорликларни таьмирлаш ишлари.

Ўзбекистонда давлат ва диннинг ўзаро муносабати, унинг асосий тамойиллари. Ислом маьнавиятининг тикланиши.

### 2-мавзу: Таълим ва маданият равнақи. Жисмоний тарбия ва спорт (2 соат).

Республикада миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва унинг барча кишилар онгига сингдирила бориши. Халқимиз аньаналари, удумлари, тили, дини, руҳиятига асосланиб кишиларда меҳр-оқибат, биродарлик, инсоф, сабр-тоқат, келажакка ишонч ва адолат туйғуларини шакллантиришдаги аҳамияти. Халқ таълими, жумладан, олий таълимни янгилаш, жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасидаги тадбирлар. Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши натижалари. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг барпо этилиши. Иқтидорли ўқувчилар ва талабаларга эътиборнинг кучайтирилиши, улар учун «Умид», «Улуғбек» жамғармалари, махсус стипендиялар ва бошқа имтиёзли тизимларнинг вужудга келтирилиши.

Маданият ва саньатнинг ривожланиши. Театр. Қўшиқчилик, тасвирий саньатнинг ўсиши. Цирк. Музей. Шаҳарсозлик. Миллий архитектура қурилиши. Жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши.

## VII боб. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви (6 соат).

### 1-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг тинчликсевар сиёсати ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши (2 соат).

XXI аср бўсағасида дунё. Халқаро вазият ва кучлар нисбатининг тубдан ўзгариши. Дунё халқлари олдида турган муаммолар.Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига, жаҳон хавфсизлигига мос тинчликсевар мустақил ташқи сиёсат асосларининг ишлаб чиқилиши. Ташқи сиёсат тамойиллари.Ўзбекистон давлат мустақиллигининг жаҳоннинг нуфузли давлатлари томонидан тан олиниши. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши. Ўзбекистон Республикасининг БМТ, ЕХХТ, Европа Иттифоқига аъзо бўлиши ва улар билан кўп томонлама ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ва кенгайиб, чуқурлашиб бориши. Республикамизнинг ўнлаб халқаро ихтисослашган иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ташкилотлар билан алоқалари.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти. ГУУАМ ташкилоти.

### 2-мавзу: Ўзбекистоннинг мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги (2 соат).

Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини (МДҲ) тузиш ғоясини қўллаб-қувватлаши ва МДҲни тузувчи давлатлардан бири сифатида унга аьзо бўлиши. Ўзбекистоннинг МДҲ билан кўп томонлама ҳамкорлиги. Интеграция масалалари. Давлатлараро Иқтисодий Қўмитанинг тузилиши.

МДҲга аъзо бўлган давлатлар билан икки томонлама алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида устивор йўналиш эканлиги. Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси, Украина, Беларусия, Молдова, Грузия, Озарбайжон, Латвия, Литва билан икки томонлама алоқалари. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги қардош мамлакатлар билан кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлиги. Транс Осиё темир йўл магистрали қурилиши, Оролни қутқариш ҳаракатида фаол иштирок этиши. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари ўртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи кучларининг эркин ўтиб туришларини таъминловчи ягона иқтисодий маконни ташкил этиш ҳақида шартноманинг имзоланиши ва унинг аҳамияти. Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилотининг тузилиши.

### 3-мавзу: Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалари (2 соат).

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари - Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Миср билан давлатлараро алоқаларнинг йўлга қўйилиши ва ривожланиши.

Ўзбекистоннинг Шарқ ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари - Хитой, Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Индонезия, Вьетнам ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигининг ўрнатилиши ва кенгайиб бориши.

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳамкорлик. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари - Франция, Германия, Буюк Британия, Голландия, Италия, Испания, Греция, Польша, Чехия, Словакия ва бошқа давлатлар билан давлатлараро алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожланиши.
Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий омилларнинг муҳим ўрни. Хорижий сармоялар,технологияларнинг Ўзбекистонга кириб келиши. Қўшма корхоналарнинг ташкил топиши ва уларнинг фаолияти.

## “ЖАҲОН ТАРИХИ”

фанидан

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун

## ЎҚУВ ДАСТУРИ

(80 соат)

**“Жаҳон тарихи”фани бўйича тузувчилар**

| | |
|---|---|
| М.Ф.Лафасов | - тарих фанлари номзоди, доцент |
| М.Очилова | - Қ.Ниёзий номли ЎзПФИТ институти илмий ходими |
| М.Кабирова | - Қ.Ниёзий номли ЎзПФИТ институти илмий ходими |

**Дастурни оптималлаштиришда иштирок этган ишчи гуруҳи аъзолари:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | М. Лафасов | Низомий номидаги ТДПУ “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” кафедраси мудири, т.ф.н. |
| 2. | М. Бобожонова | Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи тарих фани ўқитувчиси,тарих фанлари номзоди |
| 3. | Б. Ирзаев | Тошкент давлат Юридик институти қошидаги академик лицей тарих фани ўқитувчиси |
| 4. | М. Маманиёзова | Қибрай туманидаги Байтқўрғон Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи тарих фани ўқитувчиси |
| 5. | А. Замонов | Республика таълим маркази тарих фани методисти |
| 6. | М. Холбоева | Республика таълим маркази тарих фани методисти |
| 7. | М. Тураева | Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 9-мактаб тарих фани ўқитувчиси |
| 8. | Т. Норқобилов | Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети ўқитувчиси |
| 9. | М. Омонов | ЎзМУ қошидаги А.Сирожиддинов номли Академик лицей “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири |
| 10. | Р. Раҳматуллаева | Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 241-умумтаълим мактабининг олий тоифали ўқитувчиси |

**Т А Қ Р И З Ч И Л А Р :**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | А.Хидиров | Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси |
| 2. | Т.Тошпўлатов | ЎДЖТУ қошидаги 1-сонли академик лицейи тарих ўқитувчиси, п.ф.н. |
| 3. | Б.Хасанова | Яккасарой тумани 118-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси |

## С ў з   б о ш и

Ушбу дастур академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун мўлжалланган бўлиб,асосан “Жаҳон тарихи”нинг 1917-2010-йилларни ўз ичига олади ва ўрта умумтаьлим мактабларидаги “Жаҳон тарихи”фанининг бевосита давоми ҳисобланади.Албатта ҳар бир фан маьлум бир мақсад юзасидан ўрганилади.Юртбошимиз таькидлаганидек, “Биз турли мамлакатлар иқтисодиётининг ўзига ҳос тараққиётини катта диққат эьтибор билан ўрганамиз,жаҳон амалиёти ва жаҳон тафаккурида тўпланган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўллашни ор билмаймиз,аксинча,бундай интилишни ҳар жиҳатдан рағбатлантирамиз”.Жаҳон тарихини ўқитиш ва ўрганишдан мақсад шу фикрдан келиб чиқади.

Бу фан ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди,ўз ватанининг қадрига етишга ,унинг озодлиги,келажаги учун жонини фидо қилишга тайёр бўлишга ёрдам беради.Жамият тараққиёти ҳақидаги муҳим қонуниятларни билиб олишга,дунё ривожланишининг ўзига хос йўлларини тушунишга ва келажак истиқболи ҳақида тасаввур,дунё қараш, мафкурага эга бўлиш мафкурасини шакллантиради. Шунингдек, иқтисодиётга ўтаётган республикамизда,бу босқични олдинроқ босиб ўтган мамлакатлар тарихи ва тажрибаси билан таништиради ҳамда уларнинг илғор тажрибаларини Ўзбекистон ижодий қўлланиши учун манбалар яратади.

Жаҳон тарихи фани байналмилалчилик тарбиясининг муҳим воситасидир.Бу фанни ўрганиш натижасида бошқа миллат ва халқларни ҳурмат қилиш,уларнинг урф-одатлари ва тарихини қадрлашга,умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш хиссини тарбиялашга ёрдам беради.

Жаҳон тарихи фани I босқичда 40соат, II босқичда 40соат ўтказилади.

### Ўқув режасида «Жаҳон тарихи» фанига ажратилган соат миқдори ва дарс турлари бўйича тақсимоти

| № | Фан бўлимлари ва мавзу | Умумий юклама,соат | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Дарслар тури бўйича соатлар тақсимоти | | | | | |
| | | ҳаммаси | жами | назарий (маьруза) | амалий | Лабор иши | семинар | курс иши | Муст иш |
| | **I Дунё давлатлари 1917-1945-йилларда** | | **40** | **40** | **-** | | | | |
| **1.** | 1918-1939-йилларда халқаро муносабатлар | | | 2 | | | | | |
| **2.** | Россияда феврал ва октябр давлат тўнтаришлари ва иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар | | | 2 | | | | | |
| **3.** | 1918-1939-йилларда Россия | | | 2 | | | | | |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **4.** | 1918-1939-йилларда Германия | | | 2 | | | | | |
| **5.** | 1918-1939-йилларда Франция | | | 2 | | | | | |
| **6.** | 1918-1939-йилларда Англия | | | 2 | | | | | |
| **7.** | 1918-1939-йилларда Италия ва Испания | | | 2 | | | | | |
| **8.** | 1918-1939-йилларда АҚШ | | | 2 | | | | | |
| **9.** | 1918-1939-йилларда Лотин Америкаси давлатлари | | | 2 | | | | | |
| **10.** | Умумий такрорлаш | | | 2 | | | | | |
| **11.** | 1918-1939-йилларда Хитой | | | 2 | | | | | |
| **12.** | 1918-1939-йилларда Хиндистон | | | 2 | | | | | |
| **13.** | 1918-1939-йилларда Туркия, Эрон, Афғонистон | | | 2 | | | | | |
| **14.** | 1918-1939-йилларда Япония | | | 2 | | | | | |
| **15.** | 1918-1939-йилларда Араб давлатлари | | | 2 | | | | | |
| **16.** | 1918-1939-йилларда Тропик ва Жанубий Африка давлатлари | | | 2 | | | | | |
| **17.** | Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ва унинг кенгайиб бориши | | | 2 | | | | | |
| **18.** | Советларга қарши урушнинг бошланиши<br>Урушнинг боришида туб бурилиш | | | 2 | | | | | |
| **19.** | Германиянинг таслим бўлиши,уруш якунлари | | | 2 | | | | | |
| **20.** | Умумий такрорлаш | | | 2 | | | | | |
| | **II. Жаҳон мамлакатлари XX асрнинг II-ярмида ва XXI асрнинг бошларида** | | **40** | **40** | | | | | |
| **21.** | Кириш. Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё сиёсати ва ҳаётидаги ўзгаришлар | | | 2 | | | | | |
| **22.** | Иккинчи жаҳон урушидан кейин ғарб давлатлари ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тароққиётидаги ҳусусиятлари | | | 2 | | | | | |
| **23.** | Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ | | | 2 | | | | | |
| **24.** | XX аср охири XXI аср бошларида Лотин Америкаси давлатлари | | | 2 | | | | | |
| **25.** | Иккинчи жаҳон урушидан кейин Буюк Британя | | | 2 | | | | | |
| **26.** | Франция XX асрнинг 2-ярмида | | | 2 | | | | | |
| **27.** | Германия Федератив Республикаси | | | 2 | | | | | |
| **28.** | Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Италия | | | 2 | | | | | |
| **29.** | Совет давлати ва унинг парчаланиши. Тоталитаризимдан-демократия сари | | | 2 | | | | | |
| **30.** | Марказий ва жанубий-шарқий Европа давлатлари | | | 2 | | | | | |
| **31.** | Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония | | | 2 | | | | | |
| **32.** | Хитой Халқ Республикаси | | | 2 | | | | | |
| **33.** | Ҳиндистон ва Покистон | | | 2 | | | | | |
| **34.** | Туркия ва Эрон | | | 2 | | | | | |
| **35.** | Афғонистон | | | 2 | | | | | |
| **36.** | Осиёнинг янги индустириял давлатлари | | | 2 | | | | | |
| **37.** | Араб давлатлари ва жанубий Африка давлатлари | | | 2 | | | | | |
| **38.** | Болтиқ бўйи ва Украина, Белоруссия, Молдава давлатлари | | | 2 | | | | | |
| **39.** | Кавказорти ва Марказий Осиё республикалари мустақилигининг тикланиши ва ривожланиши | | | 2 | | | | | |
| **40.** | Фан ва маданият | | | 2 | | | | | |
| | **Жами** | | **80** | **80** | | | | | |

## Жаҳон тарихи (1917-1945-йилларда)

### Кириш

Кириш. Бу қисмда жаҳон тарихининг мураккаб даври, яъни Россиядаги воқеалар, Биринчи жаҳон урушининг дунё харитасига таъсири, жаҳоннинг икки лагерга ажралиши кўрсатилади. Капитализмнинг инқирозлар билан ривожланиши, Совет жамиятида инқирозларнинг хаспўшланиши. Фашизмнинг моҳияти. Тоталитар тузум билан демократик жамият ўртасидаги сиёсий, мафкуравий ва ҳарбий кураш. Иккинчи жаҳон урушини келтириб чиқарган муҳим сабаблар ҳамда ҳозирги даврда бу масалага қарашлар.

Уруш арафасида сиёсий инқироз. Фашистик агрессив блокнинг вужудга келиши. Мюнхен битими ва унинг оқибатлари. Фашистлар агрессиясининг кучайиши ва Ғарб давлатларининг сиёсати. Инглиз-француз-совет музокаралари. Ҳужум қилмаслик тўғрисида совет-герман пакти ва “маҳфий” қўшимча протокол. Бу масаланинг ҳозирги босқичда ўрганилиши.

### I боб.Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши оралиғида дунё давлатларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи

#### 1-мавзу: 1918-1939 йилларда халқаро муносабатлар

Биринчи жаҳон урушининг халқаро муносабатларга таъсири. Октябрь тўнтаришининг халқаро муносабатлар ўзгаришидаги роли. Брест сулҳи. Париж тинчлик конференцияси ва унинг жаҳон тарихига таъсири. Совет Россиясига Ғарб давлатларининг муносабатлари. Миллатлар лигасининг ташкил топиши ва фаолияти. Мандат тизими. Версал-Вашингтон тизими. Генуя, Гаага, Лозанна конференциялари қарорларининг моҳияти. Ғарб давлатларининг Германияни қайта тиклаш учун қилган ҳаракатлари. Дауэс ва Юнг режалари. Қуролсизланиш масаласи. Узоқ Шарқда уруш ўчоғининг юзага келиши. Германиянинг дунёга ҳукмронлик қилиш режалари. Миллатлар лигасидаги ўзгаришларнинг моҳияти, фашистик давлатларнинг Эфиопия ва Испанияга қарши интервенцияси. Англия билан Франциянинг “аралашмаслик” ва АҚШнинг “бетарафлик” сиёсатлари.

“Антикоминтерн аҳдномаси” нинг тузилиши. Россия-Япония тўқнашувлари. Фашистлар Германиясининг ғарб давлатлари томонидан рағбатлантирилиши. Мюнхен битимининг мақсади. Англия-Франция-Россия музокаралари. Россия - Германия шартномасининг моҳияти.

Мюнхен сиёсатининг барбод бўлиши ва иккинчи жаҳон урушининг бошланиши.

#### 2-мавзу: Россияда февраль ва октябрь давлат тунтаришлари ва иктисодий-сиёсий ўзгаришлар

Россияда чоризмнинг ағдарилиши. Россияда феврал буржуа демократик инқилобининг шарт шароитлари. Деҳқонлар ва солдатлар ҳаракати.

Ҳаракатнинг инқирози. Феврал инқилоби арафасида синфий кучлар нисбати. Большевекларнинг аҳволи. Қуролли қўзғолоннинг бошланиши. Чор ҳукуматининг ағдарилиши. Буржуа муваққат ҳукуматининг тузилиши.

Қўшҳокимиятчилик ва унинг моҳияти. Феврал инқилобининг характери, ҳаракатлантирувчи кучлари ва тарихий роли. Июл инқирози ва қўшҳокимиятчиликнинг тугаши.

Мамлакатда икки ҳокимиятчилик тугагандан кейин аҳволнинг оғирлашуви.Учинчи коалицион ҳукуматнинг тузилиши. Қуролли тўнтаришнинг режаси. Петроградда қуролли тўнтариш. Бутунроссия Советларнинг II съезди. Халқ Комиссарлари Советининг тузилиши.

Қуролли қўзғолоннинг ғалабаси ва Марказий Россияда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Фронтдаги воқеалар. Закавказье, Ўрта Осиё ва Сибирда Совет ҳокимиятининг минглаб қурбонлар эвазига ўрнатилиши. Марказда ва жойларда янги давлат аппаратининг тузилиши. Тўнтариш масаласига ҳозирги қарашлар.

## 3-мавзу: 1918-1939-йилларда Россия

Россиянинг Октябр тўнтаришидан кейинги сиёсий ва иқтисодий аҳволи. Тоталитар социалистик иқтисодиёт асосларини қуриш ҳаракати. Биринчи Совет Конституцияси, унинг мақсади ва моҳияти. Саноатни миллийлаштиришнинг бошланиши, унинг моҳияти ва мақсадлари. Транспорт, банк ва савдонинг миллийлаштирилиши ҳамда унинг террор билан қўшиб олиб борилиши. Коллективлаштириш. Йирик помешчик ер эгалигининг тугатилиши. Синфий курашнинг кескинлашуви. Озиқ-овқат резерверткаси ва озиқ-овқат отрядларининг талончилик моҳияти.

Совет ҳукумати ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари. Умумдемократик сулҳ учун кураш. Россиянинг биринчи жаҳон урушидан чиқиши. Брест сулҳининиг имзоланиши. Совет ҳукуматининг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари.

Россияда фуқаролар уруши, унинг моҳияти ва сабаблари.. 1918-1919 йиллардаги жанглар. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати ва унинг моҳияти. Қизил қўшинларнинг фуқаролар урушида ғалабаси ва унинг сабаблари.

Янги иқтисодий сиёсатнинг юритилиши. СССРнинг тузилишида миллий давлатлар манфаатларини эътиборга олмаслик

Мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ва «маданий инқилоб» баҳонасида амалга оширилган янги экспрементнинг халқ бошига келтирган қабоҳатлари. Сталинча қатағонликлар. 30-йиллар охирига келиб социализмнинг асосан ғалаба қилинганлиги ҳақидаги тарғибот қуруқ сафсата эканлиги. Ташқи сиёсат.

## 4-мавзу: 1918-1939-йилларда Германия

Биринчи жаҳон урушининг Германияга таъсири. Давлат тўнтаришига тайёргарлик. Халқ ҳаракати. “Спартак иттифоқи”. Эберт ҳукумати. Ноябрь тўнтаришининг моҳияти. 1919-йилги январь воқеалари. Бавария

Республикаси ва унинг енгилиши. Веймар Конституцияси. Фашистик партиянинг пайдо бўлиши ва жинояткорона фаолияти.

Бозор иқтисодининг вақтинча барқарорлашуви йилларида Германиянинг аҳволи. Даус режаси ва ҳарбий саноат комплексининг тикланиши. Локарно конференцияси. Юнг режаси. Германия ташқи сиёсати. Мюллер ҳукуматининг фаолияти. Ижтимоий-иқтисодий инқирознинг Германияга таъсири. Фашизмнинг фаоллашуви ва 1930-йиллардаги рейхстатга сайловларнинг натижалари.

Фашизм ҳокимияти ва унинг ички сиёсати. Ички сиёсат. Лейпциг суд жараёни. Сўл ташкилотларнинг таъқиқланиши. Фашизмга қарши кураш. Фашизмнинг агрессив ташқи сиёсати. «Антикоминтерн пакти». Австриянинг босиб олиниши. Мюнхен шартномаси. Ривожланган мамлакатлар ва СССР билан муносабатлар. Польшага ҳужум.

## 5-мавзу: 1918-1939-йилларда Франция

Биринчи жаҳон урушининг мамлакатга таъсири. Сўл кучлар ҳаракати. Ижтимоий ҳаракат. Совет ҳукуматига муносабат. «Миллий блок» ҳукуматининг сиёсати. (Миллеран-Пуанкарье). Рурнинг босиб олиниши. Бозор иқтисодининг вақтинча барқарорлашуви даврида иқтисодий тараққиёт. “Сўл блок”нинг  ташкил топиши ва унинг моҳияти. Эдуард Эррио фаолияти. Советлар  билан муносабат. «Миллий бирлик» ҳукуматининг фаолияти. Франциянинг мустамлакаларда қўллаган сиёсати. Марокаш ва Сурияда олиб борилган уруш. Сўл кучлар кураши. Жаҳон иқтисодий инқирозининг Францияга таъсири. Ижтимоий ҳаракатлар. 1934  йилги фашистчасига тўнтариш. Сўл кучларининг  фашизмга қарши  кураши. Халқ фронтининг тузилиши ва унинг фаолияти. Леон Блюм ҳукуматининг  ички ва ташқи сиёсати. “Аралашмаслик” сиёсатининг  моҳияти. Испан республикачиларига нисбатан  ҳукумат ва халқнинг муносабати. Даладе ҳукуматининг сиёсати. Уруш арафасидаги ички зиддиятларнинг кескинлашуви ва ташқи сиёсий мавқеининг ёмонлашуви.

## 6 мавзу: 1918-1939-йилларда Англия

Биринчи жаҳон урушининг Англия учун оқибатлари. Монополистик капиталнинг кучайиши. Ижтимоий ҳаракатлар. Ллойд Жорж ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати. 1923-йилдаги Керзон ултиматуми. Мустамлакалардаги ҳаракатлар.

Иқтисодиётнинг барқарорлашуви йилларида Англия тараққиёти. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати. Биринчи лейбористик ҳукуматнинг фаолияти. 1926 йилги воқеалар. Англиянинг Хитойга қарши интервенцияси. Жаҳон иқтисодий инқирозининг Англияга таъсири. Иқтисодиётдаги турғунлик. Иккинчи лейбористик ҳукуматнинг сиёсати. Мамлакатдаги сиёсий вазият. Фашистларнинг фаоллашуви. Англиянинг ташқи сиёсати. Болдуин ва Чемберлен ҳукумати фаолияти. Англиянинг урушга кириши.

## 7 мавзу: 1918-1939-йилларда Италия ва Испания

Мамлакатдаги урушдан кейинги сиёсий ва иқтисодий инқироз. Орландо ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати. Италияда ижтимоий ҳаракатнинг кучайиши. Социал демократик ҳаракат. Фашизмнинг юзага келиши. Муссолини диктатурасининг ўрнатилиши ҳамда унинг моҳияти.

Иқтисодиётнинг қисман барқарорлашуви йилларида Италиянинг аҳволи. 1924 йилги сиёсий инқироз. Турғунлик. Саноатнинг қайта қуриш институтининг ташкил бўлиши. Италия антифашистларининг Испанияга ёрдами. Италян фашизмининг агрессив сиёсати ва Эфиопиянинг босиб олиши. “Антикоминтерн пакти”га қўшилиши. Мюнхен битимида қатнашув. Альбаниянинг босиб олиниши ва Италиянинг урушга қўшилиши.

Испаниянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи. Ижтимоий ҳаракатлар. Сўл ташкилотлар. Примо де Риверьа ҳарбий фашистик дактатурасининг моҳияти. Иқтисодиётнинг қисман барқарорлашуви. Шимолий Африкада юритилган агрессив сиёсат.

Жаҳон иқтисодий инқирозининг Испанияга таъсири. 1931 йилги буржуа-демократик инқилоби ва монархиянинг ағдарилиши. Инқилобий ҳаракатлар. Санхурхо сиёсати. Астуриядаги қуролли жанглар. 1936 йилда Халқ фронтининг ғалаба қозониши ва унинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати. Фашистлар исёни ва италян-герман интервенцияси. Ғарб давлатларининг “аралашмаслик” ва ”бетарафлик” сиёсати. Демократик кучларнинг республикачиларга ёрдами. Х.Негрин ҳукумати фаолияти. Анархистлар ва ўнг социалистларнинг хоинлик роли. Касадо-Бестейро тўнтариши. Республиканинг мағлубиятга учраши ва фашистлар диктатурасининг ўрнатилиши.

## 8 мавзу: 1918-1939 -йилларда Америка Қўшма Штатлари

Урушнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири. Монополияларнинг ҳаддан ташқари бойиб кетиши. Ижтимоий ҳаракатлар. Касаба уюшмалардаги аҳвол. Вилсон ва Гардинг ҳукуматларининг ички ва ташқи сиёсати. Вашингтон конференциясининг АҚШ учун аҳамияти. «Доллар дипломатияси» ва «йўғон калтак» сиёсати. Мамлакатнинг жаҳонда энг қудратли ва бой давлатга айланиши. Монополистик капиталнинг янада кучайиши. Халқнинг аҳволи. Ички сиёсат. Сакко ва Вансетти иши. Сиёсий фирқалар фаолияти. АҚШнинг Германия ҳарбий қудратини тиклаш учун ёрдами. Хитойга интервенция. Филиппиндаги халқ ҳаракатининг бостирилиши. Лотин Америкасида “йўғон калтак” сиёсати.

Жаҳон иқтисодий инқирозининг АҚШга таъсири ва ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши. Ишчилар, фермерлар ва фахрийлар ҳаракати. Антишўро сиёсати. Ф.Рузвелтнинг “янги йўли” ва унинг амалга оширилиши. Кейнс назарияси ва давлатнинг иқтисодиётидаги роли масалалари. Ижтимоий ҳаракатлар. АҚШнинг ташқи сиёсати. Европадаги, Узоқ Шарқдаги сиёсат. «Яхши қўшничилик» сиёсати. АҚШнинг иккинчи жаҳон урушини тайёрлашдаги роли.

### 9 мавзу: 1918-1939-йилларда Лотин Америкаси мамлакатлари

Бу давлатларга биринчи жаҳон урушининг таъсири. Инқилобий демократик ҳаракатлар. Сўл партиялар фаолияти. Сиёсий вазият ва реакция. Фашистик анъаналарнинг кучайиши. Панамериканизм. “Доллар дипломатияси” ва “яхши қўшничилик” сиёсатларининг моҳиятлари. Фашистлашган давлатларнинг Лотин Америкаси мамлакатларига қилган экспанцияси. Тараққий этган давлатлар ўртасида Лотин Америкаси учун курашнинг кескинлашуви.

Бразилия, Аргентина, Мексика, Куба давлатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти. Ижтимоий зиддиятлар. Бу мамлакатларда АҚШ сиёсати. Барқарорлашув ва иқтисодий инқироз давридаги аҳвол. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги сиёсат.

## II боб. 1918-1939-йилларда Осиё ва Африка мамлакатлари

Осиё ва Африка мамлакатлари ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар, мустамлакачилик эксплуатациясининг қарам мамлакатлар иқтисодиёти ва маданиятига таъсири, мустамлакачилик тўғрисидаги турли қарашлар, қарамликка қарши халқларнинг озодлик курашлари. Шарқ давлатларининг дунё сиёсатидаги ўрни, Шарқ учун Ғарб давлатларининг олиб борган кураши.

### 1 мавзу: 1918-1939-йилларда Хитой

Хитойга биринчи жаҳон урушининг таъсири. Ички сиёсат, Ижтимоий ҳаракатлар. Иқтисодий аҳвол. Хорижий давлатларнинг Хитойга қарши тил бириктиришлари, Вашингтон конференциясида Хитой масаласи. 1923 йилги феврал воқеалари ва унинг оқибатлари.

Барқарорлашув даврида Хитой тараққиёти. 1924-1927 йилларда мамлакатдаги фуқароларнинг биринчи инқилобий уруши. Унинг характери ва хусусиятлари. Гоминданнинг биринчи съезди. Сун Яценниниг “уч янги принципи” Коммунистлар билан Гоминданчилар ўртасидаги келишув. Гуанчжоудаги Сун Яцен ҳукумати. Гуандундаги инқилобий уруш. 1924 йилги Совет-Хитой битими. Сун Яценнинг вафоти ва унинг васияти. Шимолий юриш. Шанхай воқеалари.

Хитойдаги фуқароларнинг иккинчи инқилобий уруши. Унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири. Қизил Армия ва Марказий Ишчи Деҳқон ҳукуматининг тузилиши. Мао Цзедун фаолияти. Инқилобий базаларда ўтказилган тадбирлар. Чан Кайши армияси билан кураш. Жаҳон иқтисодий инқирозининг Хитойга таъсири. Манчжуриянинг Япония томонидан эгалланиши ва ватанпарварлик ҳаракати. Хитой қизил армиясининг юриши. Бу юришни тайёрлашда Шўро ҳукуматининг ёрдами. Шимолий-ғарбда инқилобий базаларнинг вужудга келиши. Японияга қарши бирлашган миллий фронт тузиш учун кураш. 1935-йил декабрь ҳаракати. Сиан воқеалари. Фуқароларнинг иккинчи инқилобий уруши якунлари. 1937-

йилда Япониянинг Хитойга ҳужуми. Совет-Хитой битими. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги Хитойнинг аҳволи. Япон босқинларига қарши миллий озодлик кураши.

## 2 мавзу: 1918-1939-йилларда Ҳиндистон

Биринчи жаҳон урушининг Ҳиндистонга таъсири. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва миллий-озодлик ҳаракатларининг ўсиши. Касаба уюшмаларининг тузилиши. Янги ғояларнинг ёйила бошланиши. Ижтимоий ҳаракатлар.

Британия мустамлакачи ҳукмдорларининг сиёсати. 1919-йил Конституцияси. Террорнинг кучайиши. Амрицар қирғини ва Панжобдаги қўзғалон. Миллий озодлик ҳаракатларининг умумий аҳволи. Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг позицияси. Унинг оммавий партияга айланиши. Гандининг ватанпарварлик фаолияти. Гандизм. “Сатяграха” компанияси. 1920-1922 йиллардаги ҳаракатлар.

Бозор иқтисоди жамиятининг қисман барқарорлашуви даврида Ҳиндистон. Англия монополиялари томонидан Ҳиндистон халқларини эксплуатация қилишни кучайтириш. Сиёсий реакция. Мустамлака ҳокимиятининг халқ ҳаракатидан ўч олиши. Ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасидаги низонинг кучайтирилиши. Иқтисодий тараққиёт. Миллий озодлик ҳаракатининг пасайиши. Ҳиндистон миллий Конгресс партиясининг фаолияти.

Ижтимоий ҳаракатлар. Касаба уюшмаларининг ўсиши. Ҳиндистон сўл партияларининг ташкил топиши. Саймон комиссиясига қарши норозилик ҳаракатлари. 1928-1929 йилларда Бомбейда озодлик ҳаракатининг кучайиши.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози ва Ҳиндистон. Озодлик ҳаракатларининг янгидан кўтарилиши. Ганди раҳбарлигидаги 1930 йил «Сатяграха»си. Ҳинд халқининг миллий-озодлик курашлари. Мустамлака ҳокимияти террорининг кучайиши. Ирвин-Ганди пакти, «Юмалоқ стол» конференцияси. Фуқаро итоатсизлик компаниясининг қайтадан бошланиши. 1931-1933 йиллардаги ижтимоий ҳаракат. Деҳқонларнинг антифеодал ва античетэл ҳаракатлари.

## 3 мавзу: 1918-1939-йилларда Туркия, Эрон ва Афғонистон

**Туркия**.Биринчи жаҳон уруши ва Туркиядаги аҳвол. Ижтимоий ҳаракат. Иқтисодий аҳвол. Анатолия буржуазияси миллий-озодлик курашининг фаоллашуви. Мустафо Камол. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жамиятларининг конгресси. Парламентнинг чақирилиши. Истамбулнинг инглиз қўшинлари томонидан босиб олиниши. Греция интервенцияси.

Антанта давлатларининг турк халқига қарши уруши. Севр шартномаси. Турк халқининг миллий-озодлик уруши. Халқ оммасининг роли. Туркияда сўл партияларнинг ташкил топиши.

Камол Отатуркнинг ташқи сиёсати. Россия ва Туркия. 1921-йилдаги рус-турк шартномаси. Интервентлар устидан турк халқининг ғалабаси. Лозанна конференцияси.Туркиянинг республика деб эълон қилиниши.

Камол Отатурк ҳукуматининг ислоҳотлари.

**Эрон**.Инглиз қўшинларининг Эронни босиб олиши. 1919-йилги инглиз-эрон битими ва моҳияти. Демократик ва миллий озодлик ҳаракати. Эроннинг шимолий вилоятларидаги халқ қўзғолонлари. Табризда Хиёбоний бошчилигида кўтарилган қўзғалон. Ғилондаги воқеалар. Эронда сўл партияларнинг тузилиши. Ташқи сиёсат.

1921-йилги давлат тўнтариши ва инқилобий ҳаракатнинг мағлубиятга учраши. 1919-йилги инглиз - эрон битимининг бекор қилиниши ва инглиз босқинчиларининг мамлакатдан ҳайдаб чиқарилиши.

Ризошохнинг ҳукумати ва унинг иқтисодий ва ташқи сиёсати.. Демократик ташкилотларнинг тор-мор қилиниши. Давлат ҳокимиятининг марказлашуви. Феодал хонлар исёнларининг бостирилиши. Паҳлавий монархиясининг синфий табиати. Ризошоҳ ҳукуматининг иқтисодий сиёсати. Ташқи иқтисодий алоқалар. Эроннинг хорижий мамлакатлар билан муносабатлари.Таслим бўлиш режимининг бекор қилиниши.

Англия-Эрон нефт компанияси шартномасини бекор қилиниши учун халқ ҳаракати.

30-йилларда Эроннинг ташқи сиёсати. Уруш арафасида Эрон.

**Афғонистон**.Афғонистонга биринчи жаҳон урушининг таъсири. Омонуллахон ҳукуматининг ўрнатилиши. Учинчи инглиз-афғон уруши. Равалпинди шартномаси. Афғонистоннинг мустақилликни қўлга киритиши. Совет давлати билан Афғонистон ўртасида тузилган шартнома.

Омонуллахон ҳукуматининг ташқи сиёсати. Бетарафлик сиёсатининг моҳияти. Афғонистоннинг Эрон, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан тузган битимлари. Омонуллахон ҳукуматининг ички сиёсати. Совет-афғон муносабатлари. Иқтисодий тараққиёт. Маорифдаги ўзгаришлар Иккинчи жаҳон уруши арафасида Афғонистон.

## 4 мавзу: 1918-1939-йилларда Япония

Биринчи жаҳон уруши ва Япония. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи. Японияда зиддиятларнинг кескинлашуви “шоли исён”лари. Ижтимоий ҳаракатлар. 1920-1921-йиллардаги иқтисодий инқироз. Советларга қарши интервенциянинг барбод бўлиши. Ижтимоий ҳаракатларнинг ўсиши. Сўл партияларнинг тузилиши. Вашингтон конференцияси. 1923-йилдаги зилзила ва унинг оқибатлари. Жаҳон жамоатчилигининг зилзиладан зарар кўрган Япония меҳнаткашларига ёрдами. Бозор иқтисодининг барқарорлашуви даврида Япония. 1925-йилдаги Совет-Япон шартномаси. Демократик ҳаракат. Ишчи-деҳқон партияси. Социалистик партия фаолиятининг тикланиши. Монополистларнинг кучайиши. Танака кабинети. Унинг ички ва ташқи сиёсати. Демократик ҳаракатларни бостиришдаги фашистик-террорчилик усуллари.

Японияда 1929-1933-йиллардаги иқтисодий инқироз. Манчжуриянинг босиб олиниши. Зиддиятларнинг кескинлашуви. Ҳарбий фашистик фитналар. Япон ҳарбийлари ва уларнинг монополия концернлари билан алоқаси. Япония милитаризмининг ташкил топиши. Ҳарбий инфляцион коньюктура. Хитой халқига қарши олиб борилган босқинчилик уруши. Совет давлати ва МХРга қарши ҳарбий авантюранинг барбод бўлиши. “Коминтернга қарши

пакт”. Япон жамиятининг ички қийинчиликлари. Япон-Америка ва япон-инглиз зиддиятларининг янада кескинлашуви.

1937-1939-йилларда Япониянинг иқтисодий аҳволи. Демократик ҳаракатга қарши кураш. АҚШ ва Англиянинг Мюнхень сиёсати. Хасан кўли ва Халхин-гол дарёсидаги жанглар.

### 5 мавзу: 1918-1939-йилларда Араб давлатлари

Биринчи жаҳон урушидан кейин Араб давлатларининг қайтадан тақсимланиши. Англия, Франция мустамлакалари. Париж конференцияси ва Араб давлатлари. Урушдан кейинги мустақил Араб давлатлари. Балфур декларацияси ва Фаластин. Араблар миллий-озодлик ҳаракатининг кучайиши.

**Сурия.** Урушдан сўнг Суриянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи. 1918-1920 йилларда миллий-озодлик ҳаракатининг кучайиши. Сан Ремо конференция ва Сурия. Файсал режими. Ижтимоий ҳаракат. 1920-1925-йиллардаги озодлик кураши. Жабел-Друз жанги. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар. Жаҳон иқтисодий инқирози йилларида Сурия. Сўл партиялар фаолияти. Иккинчи жаҳон уруши арафасида озодлик ҳаракатининг кучайиши.

**Ироқ.** Биринчи жаҳон уруш йилларида Ироқнинг инглизлар томонидан босиб олиниши. Мустамлакачилик режими. 1920-йилги озодлик қўзғалони. Жафар Абу Тимман. Румейсдаги жанглар. Ироқ Англия мандати остида. Файсалнинг Ироқ тахтига ўтириши. Чет эл капиталининг кучайиши. Мандат тизимининг бекор қилиниши. Мустақилликнинг биринчи йиллари. 1930-йилги инглиз-ироқ битими. Ироқнинг Миллатлар Лигасига кириши.

Ҳокимиятга Ғайлоний партиясининг келиши. 1937-йилги ҳукумат алмашуви. Нури Саид.

**Миср.** Биринчи жаҳон урушининг Мисрга таъсири. Миллий-озодлик ҳаракатининг кучайиши. Саад Заглул. Қоҳирадаги қўзғалон. «Миср-мисрликлар учун» шиори. Миср мустақиллигининг эълон қилиниши.1923-йилги Конституция. Жаҳон иқтисодий инқирозининг Мисрга таъсири. Конституциянинг бекор қилиниши.1936-йилги инглиз-миср шартномаси. Уруш арафасидаги аҳвол.

**Жазоир.** Биринчи жаҳон урушининг Жазоирга таъсири. 1919-йилги декрет. “Ёш жазоирликлар” партиясининг тузилиши. Амир Холид. Жазоирда сўл партияларнинг тузилиши. Жазоир халқи озодлик курашининг ўсиши. Жазоир жаҳон иқтисодий инқирози йилларида. Деҳқонларнинг хонавайрон бўлиши. Франция Халқ фронти ва Жазоир. Уруш арафасидаги аҳвол.

**Марокаш.** Биринчи жаҳон уруши ва Марокаш. Испаниянинг Риф туманига ҳужуми. М.Абдул Карим. Риф республикасининг тузилиши. Франциянинг Рифга қарши юриши ва мағлубияти. Француз-Испан қўшинларининг Рифга қарши уруши ва Риф республикасининг йиқитилиши. Мағрибчилар блокининг тузилиши. 1937-йилги ҳаракатлар. Испания Марокашида Франконинг режими.

**Тунис.** Биринчи жаҳон урушидан кейин Тунисда озодлик ҳаракатининг ўсиши. «Дастур» партиясининг тузилиши. Тунисда сўл гуруҳлар фаолияти. 1921-1922 йиллардаги озодлик кураши.

Жаҳон иқтисодий инқирози йилларида Тунис. Ҳабиб Бурғиба.

### 6 мавзу: 1918-1939-йилларда Тропик ва Жанубий Африка

Биринчи жаҳон урушидан кейин Тропик ва Жанубий Африканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва қайтадан тақсимланиши. Бу ердаги мустақил давлатлар. Германия мустамлакаларининг бўлиб олиниши. Мандат тизими. Британия, Франция, Бельгия, Португалия, Италия ва Испания мустамлакалари.

Африкада янги ижтимоий ғояларнинг тарқалиши. Африкаликларнинг халқаро ташкилотлардаги иштироки. «Нигро уоркер» журнали. Жанубий Африка иттифоқидаги аҳвол. «Африка индустриал ишчилар» ташкилоти. Панафрика ҳаракати ва конгресслари.

Африка хўжалиги ва халқнинг аҳволи. Бевосита ва билвосита бошқариш. Ғарбий ва Эквотариал Африкаси. Нигерия, Кения, Уганда, Занзибар, Бельгия Конгоси. Африканинг Жанубидаги ирқчи режим. Жанубий-Ғарбий Африка. Жанубий Родезия. Янги ижтимоий кучларнинг пайдо бўлиши. Буржуазия ва зиёлиларнинг кўпайиши. Мустамлакачиликка қарши курашнинг янги формалари. Сиёсий кураш ва ижтимоий ҳаракат. Уруш арафасидаги аҳвол.

## III боб.Иккинчи жаҳон уруши

### 1 мавзу: Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ва унинг кенгайиб бориши

Уруш арафасидаги воқеалар ҳамда иккинчи жаҳон урушининг бошланиш сабаблари ва тавсифи. Ғарб давлатларининг Германияга уруш эълон қилиши. Ғарбий «Ғалати уруш». Германиянинг Ғарбга агрессияси. Франциянинг таслим бўлиши.

Буюк Британия мудофааси. Урушга АҚШнинг муносабати. Ўрта Ер денгизи ҳавзаси ва Африка уруши. Германиянинг СССРга қарши урушга тайёрланиши.

### 2 мавзу: Советларга карши урушнинг бошланиши.Урушнинг боришида туб бурилиш

Совет-фин уруши ва унинг оқибатлари. Германиянинг СССРга ҳужуми. Антигитлерчилар каолициясининг тузила бошланиши. Москва конференцияси. Япониянинг АҚШга ҳужуми. Африка, Осиё ва Тинч океандаги уруш ҳаракатлари.

Урушнинг боришида туб бурилиш. Африка жанги ва Сталинград жангининг халқаро аҳамияти. Франция миллий озодлик комитетининг тузилиши. Европанинг босиб олинган мамлакатларида фашистларга қарши курашнинг бошланиши. Фашистик милитаристлар блокининг заифлашуви.

**3 мавзу: Германиянинг таслим бўлиши. Уруш якунлари**

Италиянинг таслим бўлиши. Теҳрон конференцияси. Европада иккинчи фронтнинг очилиши. «Рейх» инқирозининг чуқурлашуви. Германиянинг Европадаги қўғирчоқ ҳукуматларининг емирилиши. Қрим конференцияси. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг тузилиши. Германиянинг сўзсиз таслим бўлиши. Постдам конференцияси. Узоқ Шарқдаги уруш. Милитаристик Япониянинг таслим бўлиши. Урушда ўзбекистонликлар иштироки. Урушнинг якунлари ва сабоқлари.

## II-курс Жаҳон мамлакатлари XX асрнинг II-ярмида ва XXI асрнинг бошларида (40с)

## К И Р И Ш

Иккинчи жаҳон урушининг дунё харитасига таъсири. Дунёнинг икки қарама-қарши тизимга ажралиши ва улар ўртасидаги муросасиз кураш. Уруш айбдорларининг жазоланиши. Бозор иқтисоди ва социалистик йўлни танлаган мамлакатлардаги аҳвол. Қуролланиш пойгасининг кучайиши ва оқибатда социалистик тузумнинг инқирози. Жаҳон тарихида янги демократик даврнинг бошланиши.

XX асрнинг иккинчи ярмида Ғарб мамлакатлари ривожланишидаги ўзгаришлар. 50-60-йилларда бозор иқтисоди тараққиёти.

Илмий-техника инқилоби (ИТИ). Тараққиётдаги инқирозлар. Ривожланишнинг янги босқичлари. Глобаллашув. XXI аср бошларида ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви.

БМТнинг молиявий ташкилотлари. Халқаро қайта қуриш ва ривожлантириш банки. Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа иқтисодий ташкилотлар фаолияти. Бу ташкилотларда Ўзбекистоннинг иштироки.

## I боб.Халқаро муносабатлар (4с)

### 1-мавзу: Иккинчи жаҳон урушидан сўнг дунё сиёсати ва ҳаётидаги ўзгаришлар

Урушнинг халқаро муносабатларга таъсири. 1946-йилги Париж тинчлик конференцияси ва Германия собиқ иттифоқдошлари билан тинчлик шартномаси. АҚШ, Англия ва Франция ташқи сиёсатида «совуқ уруш». АҚШнинг бошқа мамлакатлардаги ҳарбий базалари. Трумэн доктринаси, «Маршалл режаси», «Атом дипломатияси». «Куч позициясида туриб» юритиладиган сиёсат. НАТО блоки.

Ғарб давлатларининг Потсдам шартномасини бузиши. Варшава шартномаси ташкилотининг тузилиши. Хитойга қилинган интервенция ва АҚШнинг Кореядаги олиб борган агрессив урушининг барбод бўлиши. 1954-йилда Ташқи ишлар вазирларининг Женева кенгаши. 1955-йил Бандунг конференцияси. АНЗЮС ва СЕАТО ҳарбий блоклари. Бағдод пакти. Ироқда 1958-йилда инқилоб. Ливан ва Иорданияга қилинган Англия-Америка интервенциялари. СЕНТО.

## 2-мавзу: Иккинчи жаҳон урушидан кейин ғарб давлатлари ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тараққиётидаги хусусиятлар

Мустамлакачилик тизимининг емирилиши. Яқин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатлар. Шарқ мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши. Ижтимоий ҳаракатлар. Осиё ва Африка мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатининг авж олиши. Мустамлакачилик тизими емирилишининг асосий босқичлари. Осиёда халқ-демократик республикаларнинг юзага келиши. Осиё ва Африкадаги янги суверен давлатлар. Араб мамлакатлари халқларига қарши агрессия. Жанубий Африка ирқчиларининг режими-мустамлакачилик таянчлари. Неоколонизм ва унинг усуллари.

Қуролсизланиш тўғрисидаги масала. Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисида тузилган шартнома.

1970-йилда Германия Федератив Республикаси билан СССР ва Польша Халқ Республикаси ўртасида тузилган шартномалар. Халқаро муносабатларда Кипр масаласи. Грецияда бўлган реакцион тўнтариш. Неоколониализм. Ғарбнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ёш давлатларнинг ички ишларига аралашиш формалари. Халқаро майдондаги сионизм. СССР - АҚШ ўртасида 1972-1974-йилги битимлар. ГДР ва ГФР муносабатларининг яхшиланиши. Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги учун кураш. Хельсинки кенгаши ва унинг якунлари. 35 мамлакат раҳбарларининг Белград учрашуви. Париж битими. Яқин Шарқ масаласи бўйича Женева конференцияси ва Исроилнинг Араб давлатлари ерларидан бир қисмини қайтариши.

Кемп-Дэвид битими. Афғонистон можароси. Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги битим. БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланиш масаласидаги фаолияти. Жаҳон тинчликсевар кучларининг Москва конгресси. СЕАТО ва СЕНТОнинг тарқатилиши. Қўшилмаган мамлакатларнинг Деҳли ва Хараре конференциялари. Белград, Мадрид ва Стокгольм учрашувлари.

АҚШ-СССР раҳбарларининг Женева, Рейкявик, Вашингтон, Малта, Москва учрашувлари ва уларнинг якунлари. Тинчлик учун курашнинг кучайиши. Урушга қарши юришлар, маршлар. «Совуқ уруш»га барҳам берилиши. Копеньгаген конгресси.

ГДРнинг ГФРга қўшилиши. Минск шартномаси ва Алмати декларациясига Ғарб давлатларининг муносабати. СССРнинг парчаланиб кетишининг халқаро муносабатларга таъсири. Ўзбекистонни халқаро обрўсининг ўсиши, хорижий мамлакатлар томонидан тан олиниши ва улар билан тузилган шартномалар. Хельсинки кенгашига қўшилиши. Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилиниши ва унинг аҳамияти. Ўзбекистоннинг Тожикистон ва Афғонистондаги аҳволни яхшилаш бўйича таклифлари. Ҳозирги босқичда халқаро муносабатлар. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти.

## II боб. Америка ва Европа давлатлари (16с)

## 1-мавзу: Иккинчи жаҳон урушидан кейин  Америка Қўшма Штатлари

Иккинчи жаҳон урушининг АҚШ учун оқибатлари. Г.Трумэн даврида мамлакатнинг ички аҳволи. АҚШнинг ташқи сиёсати. «Совуқ уруш». Трумэн доктринаси. Маршалл режаси. НАТОнинг тузилиши. АҚШнинг Хитойга интервенцияси. Кореяга қилган агрессияси. Америка-Япония битими. АНЗЮС.

Эйзенхауэр даврида АҚШнинг ички аҳволи. Монополистик идора қилиш. Ж.Ф.Даллес ва ҳарбий сиёсат. СЕАТО. Эйзенхауэр доктринаси. СЕНТО блоки. 1960-йилги сайловлар ва демократ Ж.Кеннеди давридаги ички ва ташқи сиёсат. Кубага агрессия. СССР билан муносабат. Жонсон президентлиги даврида негрлар ҳаракатининг авж олиши. «Қашшоқликка қарши кураш»нинг барбод бўлиши.

1968-йилги сайлов ва Никсон. 1968-1970-йиллардаги иқтисодий инқироз. «Қора пантера» ташкилотининг жазоланиши. Никсон доктринаси. «Уотейгер иши» ва Ж.Форднинг ҳокимиятга келиши. Шўро-Америка (СКЧ-1) битими. АҚШнинг Хельсинки учрашувида қатнашиши. 1976-йилги сайловларда демократ Ж.Картернинг ғолиб чиқиши. Энергетика соҳасидаги дастур. Инфляцияга қарши кураш. Картернинг ташқи сиёсатида эски йўл. «Чекланган ядро урушини олиб бориш». Афғонистонга муносабат. АҚШнинг ХХР билан дипломатик алоқаларни ўрнатиши.

1980-йилги сайловлар. Р.Рейганнинг ҳокимиятга келиши. 1980-1982-йиллардаги инқироз. Ишсизлик. «Рейгономика». Ташқи сиёсат. СМТ лойиҳаси. 1983-йил Ғарбий Европага ўртача олисликка учувчи ракеталарнинг жойлаштиришга киришиш. СКЧ-2нинг ратификация қилинмаганлиги. Ливия ва Гренадага қарши қуролли ҳаракат. 1988 йил сайловлар. Ж.Бушнинг ички ва ташқи сиёсати. Шўро-Америка учрашувлари. АҚШнинг СССРнинг парчаланишидаги роли. АҚШ ва Россия муносабатлари. Гаитидаги тўнтариш. Ироққа қарши интервенция. МДҲ давлатлари билан алоқалар. 1992-йилги сайловлар. Б.Клинтон. 2000-йилги сайловлар. Ж.Буш. 2008-йилги сайловлар Б.Обама АҚШ тарихида биринчи қора танли президент. Ички ва ташқи сиёсат. Яқин Шарқ масаласи, Югославия можароларига аралашув. АҚШ-Ўзбекистон алоқалари. Ҳозирги босқичда АҚШнинг ички ва ташқи сиёсати.

## 2-мавзу: XX аср охири XXI аср бошларида Лотин Амеркаси давлатлари

Иккинчи жаҳон урушининг Лотин Америкаси мамлакатларига таъсири. Инқилобий ҳаракатларнинг ўсиши. Венесуэла, Гватемала, Колумбия ва бошқа мамлакатлардаги қуролли кураш. Ҳарбий диктатураларнинг ўрнатилиши. Лотин Америкаси мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги.

**Бразилия.** Урушдан кейин миллий-озодлик ҳаракатининг авж олиши. Халқ ҳаракати. Варгас ҳукуматининг тузилиши. 1964-йилги реакцион тўнтариш. Кости Силва ҳукумати. 1974-йилда Ж.Фигейредунинг ҳокимиятга

келиши. 1985-йилги сайловлар. Ж.Саркейнинг ички ва ташқи сиёсати. Ҳозирги босқичда Бразилия. Ўзбекистон билан алоқалари.

**Аргентина.** Иккинчи жаҳон урушининг кўрсатган таъсири. Перон диктатураси. 1958-йилги сайловда сўл кучларнинг ғалаба қозониши. Арондиси хукумати. 1963-йилги сайлов ва Илиа ҳукумати. 1966-йилги реакцион давлат тўнтариши. Онганида диктатураси. 1975-йилги ҳокимият инқирози А.Лансуе президентлиги. Фолкленд жанжали. 1983-йилги сайловлар. Р.Алфонси. Қўшилмаслик принципи. «Деҳли олтилиги»да иштироки. Ҳозирги босқичда Аргентина, ички ва ташқи сиёсати.

**Мексика.** Урушдан кейинги даврда демократик ҳаракат. Саноатнинг давлат сектори. Иқтисодиётнинг бир қанча тармоқларини «мексикалаштириш». 1963-йилда ўтказилган ислоҳот. 1967-йилги парламент сайловлари. Мустақил ташқи сиёсат юритишга интилиш. Никарагуа партизанларининг қўллаб-қувватланиши. Чет эл капитали. 1988-йилги сайловлар. К.С де Кортарининг ички ва ташқи сиёсати. Ҳозирги босқичда Мексика. Мексика-Ўзбекистон муносабатлари.

**Чили.** Чилининг 1945-йил февралда Германия ва Японияга уруш эълон қилиши. Г.Виделанинг реакцион режими. Христиан демократлар ички ва ташқи сиёсати. 1970-1973-йилларда С.Альенди бошлиқ халқ бирлиги ҳукуматининг сиёсати. Фашистик тўнтариш. Пиночет Хунтасининг реакцион ички агрессив сиёсати. Фуқаролик ҳукуматининг ўрнатилиши. Ҳозирги босқичда Чили.

**Куба республикаси.** Иккинчи жаҳон урушининг Кубага таъсири. 1952-йилдаги давлат тўнтариши. Ташқи сиёсат. Мамлакатда инқилобий ҳаракатнинг бошланиши. Фидел Кастро. Монкада казармасига ҳужум. Штурмчиларнинг суд қилиниши. «Гранма» десанти. 1956-1959-йиллардаги инқилобий ҳаракатлар. Ф.Кастро, Э.И.Гевара, К.Сенфуегос ва бошқалар. Халқ инқилобининг ғалабаси. Батистанинг қочиши. Фидел Кастро ҳукумати. Аграр ислоҳот. Корхоналарнинг миллийлаштирилиши. Миллийлаштиришда сотиб олиш усули.

АҚШнинг Куба инқилобини бўғиб ташлашга кўп марта интилиши. Иқтисодий санкция. 1961-йилдаги интервенциянинг барбод бўлиши. Кариб инқирози. Совет ракеталарининг Кубага жойлаштиришга ҳаракат қилиниши. Куба Компартиясининг тузилиши. Беш йилликлар. 1976-йилги Конституция. СССРнинг парчаланиши ва Кубадаги аҳволнинг ёмонлашуви. Қаттиқ тежаш. Кубада социализмни сақлаб қолиш учун интилиш.

Кубанинг ташқи сиёсати. 1972 йилда ЎИЁКга қатнашуви. Кубанинг Ангола ва Эфиопияга қўшинлар юбориши. Вьетнам урушида АҚШга қарши туриш. Ўтказилган ислоҳотлар. XX аср охири ва XXI аср бошларида Куба. Ўзбекистон-Куба алоқалари. Ҳозирги босқичда Куба.

### 3-мавзу: Иккинчи жаҳон урушидан кейин Буюк Британия

Иккинчи жаҳон урушининг Англия учун оқибатлари. К.Эттли бошлиқ лейбористларнинг ҳокимиятга келиши. Британия мустамлакачилик империясининг инқирози. 1948-йилги Араб-Исроил уруши ва Англия. 1951-

йилги сайлов. У.Черчилл. Давлат монополистик капитализмининг кучайиши. Фан-техника инқилоби.

Консерваторларнинг ташқи сиёсати. «Умумий бозор»га киритилмаслиги. Англия - АҚШ муносабатлари. Ракета-ядро қуролининг Англияда жойлаштирилиши. Англия ва Шарқ. СЕАТО. Малайзия ва Мисрдаги мағлубият. Англия ва СЕАТО. Африкада мустамлакаларнинг қўлдан кетиши. Родезия тўқнашувлари.

1964-йилги сайловлар. Г.Вилсон бошчилигидаги лейбористлар ҳукумати. «Аралаш иқтисод» сиёсати. Анъанавий ташқи сиёсат. Арабистон уруши. ЖЯХРнинг ташкил бўлиши.

1970-йилги сайлов. Э.Хит бошлиқ консерваторлар ҳукуматининг ички сиёсати. Давлат корхоналарининг хусусий капиталистларга сотилиши. Англия ва «Умумий бозор». 1974-йилги сайловлар. Г.Вилсон бошлиқ лейбористлар ҳукуматининг ички сиёсати.

1976-йилда Г.Вилсоннинг истеъфо бериши ва лейборист Ж.Каллаген ҳукумати. Ташқи сиёсат. 1975-йилда Хелссинки кенгашидаги иштироки. 1980-йилдаги сайлов ва М.Тэтчер бошлиқ консерваторлар ҳукумати. 1979-1981-йиллардаги оғир иқтисодий инқироз. Инқироздан чиқиш учун кураш. Ҳарбийлаштириш. Ижтимоий соҳани чеклаш. «Тэтчеризм»нинг моҳияти.

Урушга қарши ҳаракат. Гринхем-коммон лагерлари. Ташқи сиёсат. Англияда АҚШнинг ўртача олисликка учувчи ракеталарни жойлаштириши. Химиявий курол. «Юлдузлар уруши»да иштирок этиш. 1982-йилги Фолкленд жанжали. Никарагуага душманлик сиёсати. АҚШнинг СССРга қарши иқтисодий блокадасини қўллаб-кувватлаш. Олимпиаданинг байкот қилиниши. Ж.Мейжор сиёсати. АҚШнинг Ироқдаги агрессиясининг қўллаб - қувватланиши. Т.Блэр, ундан сўнг Г.Брауннинг ҳокимиятга келиши ва сиёсати. Ўзбекистон билан Англия ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар. Ҳозирги босқичда Англиянинг аҳволи.

## **4-мавзу: XX асрнинг 2-ярмида Франция**

Францияда қаршилик кўрсатиш ҳаракати ва фашистик босқинчиларидан озод бўлиши. Де Голл ҳукумат. Демократия учун ҳаракат. «Ишлаб чиқариш жанги». 1946-йил январда де Голлнинг истеъфога кетиши. Ф.Гуен, Ж.Бидо. Тўртинчи республика конституцияси ва унинг характери. «Маршалл режаси» ва Франция. Париж битимлари.

Вьетнамдаги мустамлакачилик уруши. Жазоирда мустамлака урушининг бошланиши. Фан-техника инқилоби. «Умумий бозор»да қатнашув. Француз мустамлакачилигининг инқирози. Миллий мажлисга сайлов. Ги Молле ҳукумати ва унинг сиёсати. Фашизм хавфининг ортиб бориши. 1958-йилги сиёсий инқироз ва Тўртинчи республикага барҳам берилиши. Де Голл шахсий ҳокимияти режимининг ўрнатилиши.

Бешинчи республиканинг ташқи сиёсати. Франциянинг НАТО ҳарбий ташкилотидан чиқиши. 1968-йилги референдум. Де Голлнинг истеъфо бериши. Помпиду ва Жискар д Эстен президентлиги. Давлат монополистик тадбирларнинг моҳияти. «Биргаликда ҳукумат дастури». Ташқи сиёсат. Голлизм йўлининг давом эттирилиши.

1982-йилги президент сайловлари. Ф.Миттеран даврида ички сиёсат. Иқтисодий инқироздан чиқиш учун кураш. Саноат ва банклар бир қисмининг миллийлаштирилиши. Ташқи сиёсат. Қуролланиш пойгасининг кучайтирилиши. «Юлдузлар уруши»га салбий муносабат. Ж.Ширак президентлиги. Н.Сакозенинг ҳокимиятга келиши. Ички ва ташқи сиёсат.

Франция билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар. Ҳозирги босқичда Франция.

## 5-мавзу*:* Германия Федератив Республикаси

Ғарб мамлакатларининг оккупацион сиёсати. Потцдам конференция қарорларининг бажарилмаслиги. «Бизония». «Тризония». «Маршалл режаси»нинг қабул қилиниши. 1948-йил Бонн конституцияси. ГФРнинг тузилиши. Т.Хейснинг президентлиги, К.Аденаурнинг канцлерлик лавозимини эгаллаши. «Иқтисодий мўъжиза». 1954-Париж битимлари. ГФРнинг НАТОга қабул қилиниши.

60-йилларда ГФР иқтисодида беқарорлашув. Давлат монополистик капитали концентрацияси. Л.Эрхард канцлерлиги. 1966-йил декабрида К.Кизенгер бошлиқ каолицион ҳукуматининг тузилиши. 50-60-йилларда ташқи сиёсат. ГФР «Совуқ уруш» қатнашчиси. «Халштейн» доктринаси. 1969-йилги сайловлар. В.Брандт ҳукуматнинг тузилиши. А.Брандт-Шеел ҳукуматининг ташқи сиёсати. «Совуқ уруш»дан воз кечиш. «Янги шарқий сиёсат». АҚШ ўртача олисликка учувчи ракеталарнинг ГФР территориясига жойлаштиришга розилиги. Г.Колл бошлиқ каолицион ҳукуматнинг тузилиши. Сиёсий зиддиятлар. «Флик жанжали». Ўнг экстремистик, неонацистик ташкилотларнинг кучайиши, “Яшиллар” ҳаракати. Фан-техника инқилоби. АҚШга эргашиш. 1986-йил “Юлдузлар уруши” ҳақидаги ГФР-АҚШ битими. Иккала Германиянинг бирлашуви. 1998-йилги сайлов. Г.Шредер. 2005-йилги сайлов. А.Меркель. Ички ва ташқи сиёсат.Ўзбекистон ва ГФР муносабатлари. Ҳозирги босқичда ГФРнинг аҳволи.

## 6-мавзу*:* Иккинчи жаҳон урушидан кейин Италия

Иккинчи жаҳон урушининг Италияга таъсири. Муссолини фашистик диктатурасининг ҳалокати. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг амалга оширган тадбирлари. Ф.Парри ҳукуматининг тузилиши. 1945- йил декабрдаги де Гаспери ҳукумати. Италиянинг республика деб эълон қилиниши. Қирол Умберто II нинг Италиядан кетиши.

Э.Де Никола-муваққат президент. Ташқи сиёсатнинг АҚШга бўйсиниши. 1947 йил феврал тинчлик шартномаси. 50-йилларда Италиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи. 1955-йил Ж.Горнки президентлиги. Ж.Сарагатнинг президент қилиб сайланиши. Ташқи сиёсат. АҚШга эргашув. “Умумий бозор”нинг тузилиши.

Ж.Андреотти ҳукуматининг тузилиши. «Қизил бригадалар» ва 1978 йилда А.Моронинг ўлдирилиши. 80-90-йилларда Италия иқтисодининг ёмонлашуви. 1981-йилги «П-2» жанжали. Ж.Спадолини ҳукумати. 1983-йилдаги сайловлар ва Б.Кракси ҳукуматининг тузилиши. Ҳукумат

чехардалари. 1986-йилдаги Палермодаги суд. Де Митан ҳукумати. Луиджи Скалфаро президентлиги.

Ташқи сиёсат. АҚШ ракеталарининг Италия территориясига жойлашувига розилик. «Юлдузлар уруши» дастурининг қўлланиши. МДҲ давлатлари билан Италиянинг муносабатлари. Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар. Ҳозирги босқичда Италиянинг ички ва ташқи сиёсати.

## 7-мавзу: Совет давлати ва унинг парчаланиши.Тоталитаризмдан демократия сари

Совет давлати урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш йилларида. Тўртинчи беш йиллик режаси. Молдавия, Ғарбий Украина, Белоруссия ва Болтиқбўйи республикаларида коллективлаштириш.

